



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Охирги
чорак
бошланди.
Режаларингиз
ижросини
таҳлил
қилиб кўринг

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 3-oktyabr, shanba, 111 (23.391)-son

Миллат тилида дунёга мурожаат



Давлат раҳбари БМТнинг бу йилги Бош Ассамблеяси йиғилишида ўзбек тилида маъруза қилди. Миллатимиз тили БМТнинг юксак минбаридан жаранг сочди. Сўнги йилларда Ўзбекистон томонидан халқаро миқёсда таклиф қилинаётган ташаббусларнинг асосли ва долзарб эканлигини миллат йўлбошчиси яна бир бор ўз миллий тилида эслатиб қўйди.

Бош ассамблеянинг 72-сессиясида давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб илгари сурган таклифлари қисқа муддатда амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилнинг 27 мартда "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ташкил этилди. Шу йилнинг 22 июни куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинди. Бу ишлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги позицияси бардавом эканлигидан далолат беради.



Йилдаги Бош Ассамблеядаги сўзи ҳам жуда қизғин қарши олинди. Негаки, кўпчилик экспертлар томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг позицияси фақат ўз манфаатларини кўзламаган ва ҳар томонлама чуқур ва стратегик ўйланганлиги билан дунё жамоатчилигига манзур бўлди.

Жумладан, БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш, Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролинини ошириш тўғрисидаги БМТ бош Ассамблеясининг доирасида 2018 йилнинг 27 ноябрда Орлобўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармасига асос солинди.

Асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат бўлган БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" ҳақидаги резолюцияси 2018 йил 12 декабрда қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ишлаб чиқилди ва 2020 йилнинг 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумида муҳокама қилинди.

БМТ бош минбаридан давлат раҳбарининг ўзбек тилида сўзлагани бир муҳим ҳодиса бўлса, юқоридаги каби долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган ташаббусларнинг Ўзбекистон томонидан илгари сурилиши эса мамлакатнинг глобал миқёсда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб боришига замин яратди.

Зафар КАРИМОВ,
"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят бўлини раҳбари – вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонида кўра, маърифатпарвар жадидчилик ҳаракати намояндалари қаторида бобом – Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти – "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланганини эшитиб, кўзимга ёш келди. Бутун умрини, ҳаётини маърифатга, маорифга бағишлаган шундай буюк инсон шажараси давомчиси эканидан қалбимда жуда катта фахр, ифтихор туйди. Бир мен эмас, бутун қариндош-уруғларимиз, Бехбудий авлодларининг бу қувончли хабардан бошимиз кўкка етди, бир-биримизни табриқладик. Дўсту ёрларимиз ҳам кўнғирок қилиб, самимий дил изҳорларини билдиришди. Бунинг учун албатта, Президентимиздан миннатдоримиз.


Боболаримиз хизмати қадр топди

Бу йил буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудига 145 йил тўлди. Президентимизнинг алоҳида эътиборлари билан ушбу сана кенг нишонланмоқда. Тошкентда янги очилган Адиблар хиёбонида бобомиз хайкали ўрнатилгани, журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги стипендия таъсис этилгани, Самарқанд шаҳрида уй-музей очилаётгани ва кўплаб маданий-маърифий тадбирлар улуг аллома, жадидчилик ҳаракатининг етук намояндаси хотирасига бўлган юксак эҳтиром намунаси.

Бобомиз ҳаётини маърифатга бағишлади, бир умр шу мақсад билан яшади.

Халқни турли маърака-маросимлардан воз кечиб, фарзандларини ўқитишга чорлади. Уларга тил ўргатиш, замонавий илмлардан сабоқ беришни эртанги ёруғ келажак билан боғлади. Газета-журнал нашр этиб, халқни уйғонишга чорлади. Театр ибратхонадир, деган даъват билан илмсизлик қандай оқибатларга олиб келишини "Падаркуш"да кўрсатиб берди.

Афсуски, ўша даврнинг ўнлаб хурфикр кишилари, жадидлар қатори бобомиз ҳам тузум қурбони бўлди. Аммо у кишининг асарлари, мақолалари ҳамма давр ва замонларда ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмай, халқни маърифатга чорлаб келмоқда. Айниқса, бугун мамлакатимиз-



да ёшлар таълим-тарбияси, илмга жуда катта эътибор қаратилаётган бир пайтда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Исоқхон Ибрат сингари маърифатпарварларнинг қарашлари, улар илгари сурган ғоялар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб бунга яна бир бор амин бўлдим. Президентимиз мамлакатимизнинг эртаси, тараққиётни таълим тизимига боғлиқлигини алоҳида қайд этиб, бу борада мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, ўқитувчи ва мураббийлар, ота-оналар олдида турган вазифаларни санаб ўтди. Энди ҳамма гап ҳар бир киши бу вазифаларни ҳис қилиб, амалга оширишга интилишида деб ўйлайман. Шундай йўл тутсак, бундан жадид боболаримизнинг ҳам руҳи шод бўлмай.

Шоҳруҳ БЕХБУДИЙ,
Маҳмудхўжа Бехбудийнинг эвараси.



Нарпай тумани пахтакорлари 10 минг 762 гектар майдонда чигитнинг «Бухоро-102» ва «Султон» навларидан юқори ҳосил тайёрладилар. Бу йил нарпайликларнинг пахта хирмони 33 минг 430 тоннадан ошади.

Қоратоғ этакларида деҳқончилик қилаётган Ойбек, Ислоҳ Шоир, Улуғбек номли ММТП фермерлари бир теримдаёқ 30-32 центнердан ҳосил олмақда.

СУРАТДА: Улуғбек номли ММТП раҳбари Шукрулло Тошнӣёзов ва илғор фермер Исомиддин Зиёев.

Ахборот хизматлари хабар беришича

Жомбой тумани "In Vitro" лабораториясида павловния дарахтининг тез ўсувчи ва сааноатбоп навларини кўпайтириш йўлга қўйилди.

Каттақўрғон туманида халқаро бизнес тренераи Мурат Аъзамов томонидан тадбиркор ва соҳага қизиқувчи ёшлар учун маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Нуробод тумани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 90 миллион сўм эвазига Ағрон қишлоғида бунёд этилган 54-умумий ўрта таълим мактаби филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Туманда Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси, спорт мусобақалари ва кўрғазмалар ташкил этилди.

"Қирғиз оқин ёзувчилари жамоатчилиги" фонди томонидан ўтказилган "Халқаро шеър - 2020" онлайн танловида **Қўшработ тумани** халқ таълими бўлими қошидаги "Дилмунчоқ" ёш ижодкорлар тўғраги раҳбари Мирзохид Шавкат биринчи ўринни эгаллади.

Ургут тумани Қайнарбулоқ маҳалласида фойдаланишга топширилган 43-умумий ўрта таълим мактаби биносида 300 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиш учун барча шароит яратилган.

ПОРА ОЛМАНГ, дея ҳақоратланганман...

Муносабат

"...Институтимизда коррупцияга қарши кураш бўйича давра сўхбати ўтказилганда ўшанда. Ушбу тарғибот тадбирининг маънисини шунда эдики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва бошқа идора вакиллари томонидан биз, ўқитувчиларга, талабаларга дарс берадиган устозлар пора олишининг салбий оқибатлари ҳақида маъруза ўқилди. Тўғриси, ушбу давра сўхбатидан чиққанимдан сўнг кўнглим оғриди. Кейинги йилларда бу каби давра сўхбатлари, турли мавзуларда йиғилишлар ўтказилиши аллақачон анъанага айланиб қолган. Лекин биз, ўзимиз ўрнак бўлишимиз керак бўлган, талабалар «устоз» дея ишонадиган ўқитувчига пора олманг дейиш ҳақоратдай эшитилиб кетаркан. Ўша давра сўхбатидан сўнг бу ҳақда кўп ўйла-

дим. Наҳотки, шу даражага келиб қолган бўлсак? Ахир олий таълим даргоҳларида шу мазмундаги йиғинлар ўтказилаётган экан, демек, айб ўзимизда. Қанча профессор, академикларни тарбиялаган бу даргоҳда ишлайдиган ҳар бир инсон шу номга муносиб бўлишни ўз танасига ўйлаб кўриши керак эмасми? Шундай ҳолатлар содир бўляптики, демек бизни пора олмаслик ҳақида огоҳлантиришяпти. Мана, ҳозир тизимда слоҳотлар яққол кўзга ташланмоқда. Яна кўп янгиликлар, ўзгариш бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Аввало, пора олаётган ўқитувчига атрофдагиларнинг, ҳамкасбларнинг ўзи муро-сасиз бўлиши керак, деб ўйлайман".

2-саҳифа >>>

ПАХТА ПУЛИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛОЛМАЯПСИЗМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, теримчиларга меҳнат ҳақини ҳар беш кунда, зарурат бўлганда, ҳар куни тўлаш учун зарур миқдордаги пул маблағлари билан узлуксиз таъминлаб бориш вазифаси Марказий банк ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари зиммасига юклатилган.

Агар терган пахтангиз учун сизга ўз вақтида ҳақ тўланмаса Марказий банк вилоят бошқармасининг **66 231-01-23,66 233-30-04** телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАЙИНЛОВ

Саидов Мақсуд Арифович Самарқанд вилоят кардиология диспансери бош врач лавозимига тайинланди. М.Саидов бунга қадар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар кардиохирургияси бўлими мудири вазифасида ишлаган.



Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақолалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз "Зарафшон"га обуна бўлинг!

Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.

ОБУНА – 2021

«Zarafshon» – барчамизнинг сеvimли газетамиз!

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

✓ Депутат анкетаси

- 1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилгани?
- 2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандай тадбир ўтказдингиз?
- 3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Муаммога ўрин қолдирмаймиз

1. Сайлов округи ҳудудида 2020 йил учун 4 та инвестиция лойиҳаси мавжуд. Навбахор маҳалласида қиймати 500 миллион сўм бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, қиймати 1 миллиард 800 миллион сўмлик тикувчилик цехи ва мебелларни таъмирлаш хизмати шулар жумласидан.



Бундан ташқари, Баландчордара маҳалласида 1 миллиард 300 миллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, замонавий эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Муллакичкина қишлоғида амалга оширилган интенси́в боғ лойиҳаси учун эса 500 миллион сўм сармоя киритилди.

Албатта, булар фақат инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳалар. Хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлардаги ишлар ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Мухими, буларнинг барчаси аввало жоматчилик билан бамаслаҳат, ҳусусан, ҳудуддан сайланган депутатлар назорати остида амалга оширилмоқда.

2. Пандемия талаблари олиб борилаётган ишларнинг шакли ва мазмунига анчагина ўзгартиришлар киритди. Шунга кўра округ ҳудудида учрашувлар, олдин режалаштирилган йиғилишларни ўтказиш бир мунча қисқарди. Лекин қишлоқларни айланганимизда сайловчилар билан жонли мулоқот ўтказяпман. Ҳудуддаги маҳаллалар асосан деҳқончилик билан

Ҳасан НОРМУРОДОВ, 28-Каттақўрғон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

шугулланади. Ўзим ва вакилларим орқали улар турмушини ўрганиш асносида 700 дан зиёд камбағаллар рўйхатини шакллантирдик. Ўтган давр мобайнида сектор раҳбарлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар туфайли уларнинг кўпчилиги "темир дафтар"дан чиқарилди.

Одамларни қийнаётган муаммо ёки ечимини кутаётган масалаларни имкон қадар маҳаллий ҳокимлик вакиллари билан ҳал қиляпман.

3. Энг фаол сайловчиларим - Неъмат Эшматов ва Тошбиби Ражабова Намозполвон маҳалласида 60 кундан бери суолтирилган газ келмаётгани ҳақида муурожаат қилди. Мен бу хусусида "Худудгаз" Самарқанд филиали бошлиғига сўров йўлладим. Ташкилот раҳбари Холмурод Бобомуродов орадан 2 кун ўтиб маҳаллада яшовчи истеъмолчиларга газ баллонлар етказиб берилишини таъминлади.

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида бу гал Нуробод туманида бўлдик. Туманда айна пайтда 95 та кўп қаватли уй мавжуд ва уларнинг асосий қисми марказда жойлашган. Бу уйларнинг деярли барчаси ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб қурилган ва табиийки ҳозирда таъмирга муҳтожлари ҳам кўп.

Нурободдаги кўп қаватли уйларда яшовчилар НИМАДАН ТАШВИШДА?



– Шу пайтгача қаватли уйларнинг 85 таси Жанубий кон бошқармаси тасарруфидан бўлган ва 2019 йилда бизнинг балансимизга ўтказилди, – дейди туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Илҳом Қурбонов. – Албатта, қурилганига бир неча йил бўлган уйларда ҳам, уларга тортилган сув, иссиқлик ва оқова тизимларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилишига зарурат туғилган. Бу ишни бирданига амалга ошириш имконсиз, шунинг учун ҳар йили навбат билан, бошқичма-бошқич таъмирлаш ишлари олиб борилаётган. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Жанубий кон бошқармаси билан биргаликда бу борада қўшма лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Амир Темур маҳалласидаги 41-уйнинг ҳолати билан танишганимизда фасад қисми нураганини кўрдик, 37-уй ҳам тўлиқ таъмирга муҳтож. 33-уйнинг ертўласидаги тик қувурлардан сув оқапти, шу ва ширкатга қарашли бошқа кўп қаватли уйлар олдида чикинди ташлаш қўтиси йўқ. 49-уй олдидаги болалар майдончаси қаровсиз ҳолатда.



– Бу йилги куз-қиш мавсумида тумандаги барча кўп қаватли уйларни иситиш ва иссиқ сув етказиш учун мавжуд учта қозонхонадаги насос агрегатлари ишчи ҳолатга келтирилди, – дейди "Иссиқлик манбаи" ДУК Нуробод туман филиали раҳбари Зафар Бобоёров. – Шунингдек, 537 метр марказий иссиқлик қувури, шунча масофадаги ичимлик сув тармоғи ҳамда

837 метр оқова сув тармоғи янгисига алмаштирилди. Бундан ташқари, ичимлик сув кўтариш иншоотидаги барча қудуқлар учун ўрнатилган ускуналар ҳам қайта кўриб чиқилиб, соз ҳолатга келтирилди. Оқова сувларни қабул қилиш ва уларни тозалаш ҳамда зарарсизлантириш ишлари амалга ошириляпти. Айна пайтда иссиқлик тизимини янада яхшилаш мақсадида Самарқанд шаҳридан қўшимча қозон олиб келиб ўрнатяпмиз. 2021 йилда ўз маблағимиз ҳисобидан Туркиядан иккита замонавий қозон олиб келишни режалаштирганмиз.

|| ЕРТЎЛАГА ЭШИКДАН ЭМАС "ТЕШИК"ДАН КИРИЛАДИ
Ҳа, 20 та кўп қаватли уйнинг ертўласига кириш эшиги мавжуд эмас, ертўлага "тешиклар" орқали кирилар экан.

– Ширкатимизга қарашли 74 та уй Жанубий кон бошқармаси тасарруфидан ўтказилган, – дейди "Жануб – ЛС" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Лайло Султонова. – 1576 хонадонга хизмат кўрсатиб келяпмиз. Шу кунларда аҳоли муурожаатлари асосида ширкат маблағлари ҳисобидан 8 та уйнинг том қисмига йўшюқ қоплама ётқизиляпти. Келгуси йилда яна 15 та уйнинг томи таъмирланиб, 22 та уйнинг ертўла қисмидаги оқова сув қувурлари янгиланади. Ҳозиргача 13 та уйнинг том қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Уйларнинг ертўлалари аслида шундай қурилган – эшиги йўқ. Ишчиларимиз ҳам ертўлага зўрға кириб чиқишади.

|| ТАЪМИРИНИ КУТАЁТГАН 61-МАКТАБ
Туманга хизмат сафаримиз чоғида таълим муассасаларининг мавсумга тайёргилини билиш мақсадида айрим мактабларда бўлдик. Жумладан, 61-умумий ўрта таълим мактабига борганимизда ҳовлининг 200 метрдан кўпроқ қисми тўсиқ билан ўралмаганини кўрдик. 15 сентябрдан мактабда анъанавий ўқиш бошланган. Аммо дарвоза олдида ўқитувчи ва ўқувчилар учун қўл ювиш мосламаси ўрнатилмаган. Ҳовлига киргач мосламани юз метрча узоқликда жойлашганини кўрдик, лекин у ҳам талабга жавоб бермайди. Муассаса ичкарасида бунданма муаммоли ҳолатларга дуч келдик. Хона жихозлари эскирган, синфхоналарнинг поли чўккан, қопламалари йиртилган. Чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик хонаси турли жихозлар ва ускуналар билан тўлдирилган. Ҳатто электр симлари очик ҳолатда. Синфхоналарнинг иситиш тизими ҳам талаб даражасида эмас. Спорт зали иситилмас экан.

Бунинг устига таъмирталаб ҳолатда, дераза ойналари синган, спорт жихозлари эскирган. Кийим алмаштириш хоналари омборхонага айлантирилган, чиқинди бор. Қозонлар газга мослаштирилган экан. Аммо тармоқдан узилганлиги сабаб, газни ёқиб кўришнинг имкони бўлмади. Қозонлар бу йилги мавсум олдида синовдан ўтказилмаган. Мактабнинг орқа томонидаги фойдаланилмайдиган қўшимча бинолари ачинарли ҳолатда.

– Мактаб 1981 йилда қурилган бўлиб, 2006 йилда том қисми таъмирланди, – дейди 61-мактабнинг хўжалик ишлари мудир Одил Норқулов. – Бир неча бор муурожаат қилганмиз, лекин ҳар йили дастурга киритилмасдан қолиб кетяпти. Жихозлар ва инвентарларга ҳам эҳтибоб. Кейинги манзилимиз Машъал маҳалласидаги 77-умумий ўрта таълим мактаби бўлди. Мактабнинг кириш дарвозаси олдида қўл ювиш мосламаси ўрнатилган. Дезинфекция воситалари захираси яратилган. 2019 йилда қурилга фойдаланишга топширилган бинода кўмирга мослаштирилган 2 та замонавий қозон бор экан ва улар мавсумга тайёрланган, кўмир захираси ҳам яратилган.

Аммо мактабнинг эски биносидаги аҳвол бутунгун кун талабларига жавоб бермайди. Яқинда ёққан ёмғир ва ҳаво ҳароратининг пасайиши аҳоли учун ҳам, мутасаддилар учун ҳам мавсум олдида оғоҳлик кўнғироғи бўлди. Кўп қаватли уйлардаги, тўлим муассасаларидаги камчилик ва муаммолар ҳам кўриниб қолди. Яна қўшми кўнлар бошланган бўлса-да олдинда қиш, ҳадемай қорли-қировли кўнлар бошланади. Демак ҳозир фурсат борида масъуллар камчиликларни тузатиб, муаммоларга ечим топса қиш кўнларида аҳолининг ҳам, ўзларининг ҳам тинчи бузилмайди. Йўқса ҳаммамизга аён ҳолат – норозилик, турли идораларга шикоятбозлик ва асаббўзарлик бошланади.

Нурободда бундай ҳолатларга ўрин қолмаса керак...
Ҳусан ЭЛТОЕВ, Фазлиддин РЎЗИБОЕВ, "Зарафшон" муҳбирлари.



Ногиронга қараётганлар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОЛИНИШИ ЗАРУР

Депутатлар ўрганган маълумотлар таҳлили мамлакатимизда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда айрим тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни аксарият ҳолларда оила аъзолари парваришлайди. Болалиқдан ногиронлиги бўлганларга эса асосан онаси қарайди.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 9 миллион 800 минг нафардан зиёд 16 ёшгача болалар бўлиб, уларнинг 100 минг 110 нафаридан ногиронлиги бор. Ногиронлиги бор болаларнинг 54 минг 846 нафари ўғил, 45 минг 264 нафари қизлар. Уларнинг 43 минг 47 нафари шахарларда, 57 минг 63 нафари қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Ногирон болаларнинг 51 минг 56 нафари туғма ногирон бўлиб, 49 минг 54 нафаридан орттирилган ногиронлик мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 6 та болалар Мурувват уйи мавжуд бўлиб, уларда 1 минг 908 нафар ногиронлиги бор болалар (жами ногиронлиги бор болаларнинг 1,9 фоизи) парваришланмоқда. Ушбу муассасаларда таъминот (озик-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқалар) тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда. Мурувват уйларида ҳар 2 нафар болага ўртача 1 нафардан тарбиячи (энага) тўғри келяпти, улар давлат бюджети ҳисобидан ойлик олиб ишлаб келмоқда.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг аксарият қисми, яъни 98 минг 202 нафари (98,1 фоиз) ўз оиласида ота ва онаси қарамоғида парваришланмоқда. Бу болаларнинг кўпчилиги таянч-ҳаракат тизими, асаб ва руҳий касалли-

қларга чалинган бўлиб, доимий парваришга муҳтож. Бундай парваришни амалга ошириш катта саяё-ҳаракат, ирода ва вақтни талаб этиб, айниқса, қишлоқ жойларда бундай парваришни хўжалик фаолияти билан биргаликда амалга ошириш жуда мушқул ҳисобланади. Ўз оиласида парваришланаётган ногиронлиги бор болалар эҳтиёжи (озик-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар ва уларни парваришлаш) учун давлат бюджетидан ҳеч қандай харажат амалга оширилмайди. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни 37-моддаси 1-қисми "д" бандида I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож 80 ёшга тўлган шахсларга қараб турилган вақт ёшга доир пенсия тайинланаётганида иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Бироқ ушбу қонуннинг 37-моддаси 2-қисмида чекловлар ўрнатилган бўлиб, мазкур модданинг "д" ва бошқа бандларида назарда тутилган даврлар умумий иш стажига камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Қонундаги ушбу чеклов ногиронлиги бор болалар-

нинг парвариши билан банд бўлган ота ва оналарга пенсия таянч миқдорини олиш учун зарур бўлган иш стажини тўплаш имконини бермайди. Оқибатда шундай ота-оналарга ёшга доир пенсия тайинланаётганда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Халқаро амалиётда ногиронлиги бўлган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган фуқароларга пенсия таянч миқдорини белгилашда ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Аксинча, пенсияга чиқишда бундай фуқаролар учун қўшимча имтиёз ва компенсация тўловлари берилади. Мисол учун, Австралия, Дания, Норвегия, Шимолий Ирландия, Франция, Япония давлатларида ногиронларнинг парвариши билан банд бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланган.

Шунингдек, ижтимоий таъминот тизими мамлакатимизга яқин ҳисобланадиган Россия, Беларусь ва Қозоғистон давлатларининг қонунчилигида ҳам ногиронлиги бор шахсларнинг парвариши билан банд бўлган фуқароларга пенсия тайинлашда чекловлар мавжуд эмас, аксинча, бир қатор енгилликлар белгиланган.

Демак, ногиронлиги бор шахсларни парваришлаб, улкан фидойилик, катта маънавий жасорат кўрсатаётган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш зарурати пишиб етилган. Фуқаролар ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати билан боғлиқ бу масала Халқ демократик партияси учун принципиал аҳамиятга эга.

Улуғбек ВАФОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Пора олманг, дея ҳақоратланганман...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

"...Бир умр мактабда ишладим, ўқувчиларим бир неча марталаб фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Энг қийин пайтларда ҳам соҳани ташлаб кетмадим. Чунки шу менинг ишим, шу соҳа билангина ҳаётим мазмунли. Лекин кейинги йилларда математика факультетини битириб келиб, дарс беролмаётган, ўқувчилар олдида уялиб қолаётган ўқитувчилар авлоди пайдо бўлди. Дарс бериш учун репетиторга қатнашга мажбур бўлган ёшлар ўқитувчи бўламан, деб келяпти (Бир амаллаб институтга кирган, диплом қўлига теккач, мутахассислиги педагог-да, мактабдан иш излайди). Таълим тизими ҳодимларини ҳар қандай идора келиб текшириши одатий ҳолга айланди. Кўчада хазонларни тозалаётганимизда "Сен ҳам ўқимасанг, шуларга ўхшаб юрасан" дея ёнидаги фарзандига дакки

бериб ўтаётган инсонларнинг пичинглари эшитишимизга тўғри келган пайтлар бўлди. Таълим катта бир ислохотга муҳтож бўлиб қолди..."

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган раҳбаримиз мамлакатимиз раҳбарининг нутқини эшитарканман, турли йилларда фидойи ўқитувчилар билан суҳбатимиз давомида нафақат хотирамда, балки қалбимда муҳрланиб қолган юқоридаги фикрлар қайта жонланди. Таълимнинг ислохотга жуда муҳтож бўлиб қолгани, жамиятдаги ҳар қандай муаммони айлантириб таълим тизимига олиб келиб тақаббатимиз рости. Икки зиёли йилгиса, таълим ҳақида сўзлашиши, фидойи устозлар кўришиб қолса соҳанинг муаммоларидан суҳбатлашиши бежиз эмасди. Мамлакатимиз раҳбарини нутқидан мана шу муаммолар, таълимнинг тўпланиб қолган дард-аламлари муҳассаб эди.

Кўпинча таълим бошқармасидагилар

журналистлардан нега фақат таълим соҳасидаги камчиликларни ёритасизлар, бошқа соҳага эътибор қаратмайсизлар, дея ўпкалаб қолишарди. Ростдан ҳам, баъзида чиройли мақола қилиб берамиз, деган паллада ҳам зарур манзилга боргач, у ерда муаммоли вазиятга дуч келар, бу вазиятдан кўз юмиб кетиш ҳам оғир эди. Фақат фидойи устозлар, ўз ишига садоқат билан меҳнат қилаётган жонқуяр муаллимлар билан суҳбатгина кишига таскин берар, соҳага нисбатан ҳурматимиз ва меҳримизни оширарди.

Мамлакатимиз раҳбари нутқидан айнан мана шу, кўз юмиб бўлмайдиган муаммолар ҳам, чексиз фидойилик ҳам гавдаланганки, уни нафақат соҳа ходимлари, балки зиёлиман деган ҳар бир инсон қайта-қайта ўқиб чиқиши, хулосалар чиқариши мумкин. Уларда баландпарвозлик йўқ, оддий ҳақиқатлар бор, узоқ йиллардан бери фидойи

устозларни ўйлантирган, қийнаган масалалар ва уларнинг ечимини учун аниқ йўналишлар бор.

Дейлик, Бухоронинг Қорақўл туманидаги мактабнинг таърибига нега ҳанузгача бошқа вилоятларга татбиқ этилмагани ҳақидаги фикрнинг ўзи кишини мулоҳазага чорлайди. Самарқандда ҳар бир фанни санъат даражасида ўтадиган ўқитувчилар камми? Албатта кам эмас, етарли, деб айтиш мумкин. Афсуски, баъзиларига эътибор йўқ, баъзилари шогирдлари камолидангина бўйи бир газ ўсиб, ўқитувчиликдан маннун меҳнат қилмоқда.

Умидимиз борки, мамлакатимиз раҳбари нутқи таълим тизимидаги яна бир йирик жараённинг катта бир босқичига айланади. Ушбу тарихий нутқ фидойи устозларнинг узоқ йиллик орзуларига пиллапоа бўлади.

Гулруҳ МЎМИНОВА. «Зарафшон»

АЭРОГЕОДЕЗИЯНИНГ ВАЗИФАСИ НИМА?

2020 йил 2 июлда "Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун республикамизда геодезия ва картография фаолиятининг асосий тамойиллари ва соҳани давлат томонидан тартибга солиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган. Хўш, мазкур қонун қабул қилинишига қанчалик эҳтиёж бор эди ва энди геодезия соҳасида нималар ўзгарди? Самарқанд аэрогеодезия корхонаси бошлиғи Равшан ҲОТАМОВга шу каби саволлар билан мувожаат қилдик?

- Геодезия қандай соҳа эканлигини кўпчилик тўлиқ англаб етмайди ва билганлар ҳам ер ўлчовчи ташкилотларидан бири деб ўйлайди, - дейди Р.ҲОТАМОВ. - Қайсиدير маънода бу ҳам тўғри. Лекин геодезия соҳаси барча қурилиш ишларида, конларнинг геодинамик тадқиқотларида ва топографик хариталар, нивелир баландлиқ тўрлари яратилганда, катта ва кичик масштаб ли сьёмка ишларини бажаришдаги жараёнларда хизмат қилади. Давлат режали ва баландлиқ тўрларини ишчи ҳолатда сақлаб туриш, мавжуд триангуляция пунктларининг сақланишини назорат қилиш, геодезия ва картография фаолиятининг тизимлиги ва узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Соҳанинг муҳимлигини ҳисобга олиб 1997 йил 25 апрелда геодезия соҳасидаги дастлабки қонун қабул қилинган ва 23 йил давомида деярли ўзгартириш киритилмаган. Геодезия ва картография соҳасидаги ўзгаришлар, янги геотехнология лойиҳаларнинг кириб келиши ва геофазовий маълумотларни геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, яратиш, улардан фойдаланиш жараёнидаги муносабатлар, геодезия ўлчовларининг ягоналигини таъминлаш, давлат кадастри тизимидаги муносабатлар, лицензиялаш механизмларини йўлга қўйишда янги таҳрирдаги қонунга эҳтиёж сезилди. Шу боис, 2020 йил 2 июлда "Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солиб, бир қанча ноаниқликлар, фаолият ривожига тўсқинлик қилувчи талаблар, ҳозирги замон талабига жавоб бермайдиган норматив ҳужжатларни бартараф этди. 2020 йил 2 октябрдан кучга кирган мазкур қонун билан тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари томонидан яратилган маҳсулотларга муаллифлик ҳуқуқи ўрнатилди. Геодезия ва картография фаолиятини амалга оширишнинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилди ва рақамли технологияларни қўллаган ҳолда ишларни юқори илмий-техник даражада бажаришга эришилди.



? - Вилотимизда аэрогеодезия соҳасидаги ишлар қачондан бошланган ва ҳозирда қандай хизматлар кўрсатилади?

- Ҳозирда республикамизда аэрогеодезия соҳасида фаолият юритувчи 2 та корхона бор ва Самарқанд аэрогеодезия корхонаси энг муҳим минтақавий корхоналардан бири ҳисобланади. Корхонага 1953-1954 йилларда асос солинган ва биз барча турдаги геодезия-картография йўналишларида фаолият олиб борамиз. Шунингдек, корхонамизда турли масштабдаги топосьёмкалар, 1:500 дан 1:100 000 гача бўлган масштабдаги рақамли топографик режа ва хариталарни янгилаш ва яратиш, давлат геодезия сунъий йўлдош тармоқларини яратиш, давлат нивелирлаш тўрларини барпо этиш ва янгилаш, рақамли ортофоторежалар яратиш, аэро ва космик суратларини қайта ишлаш, давлат чегараларини делимитация-демаркация қилишда топогеодези ишлар, геодинамик тадқиқотлар, муҳандислик геодезия қидирув ишлари ўтказилади.

? - Ҳозирда барча соҳаларга инновацион технологиялар жорий этилмоқда. Геодезия соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Геодезия ва картографиянинг барча соҳаларида, хусусан, геология, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, авиация, муҳофаа ва хавфсизлик, халқ хўжалигининг турли йўналишларида тугган ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Кейинги йилларда соҳага инновацион техника ва технологияларнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш жараёнларида ижобий натижа бермоқда. Жумладан, республикамизда 50 донна доимий фаолиятдаги сунъий йўлдош тизимида ишловчи геодезик пунктлар, рақамли картография, электрон геодезик ўлчов асбоблари, замонавий дастурий таъминотларнинг татбиқ этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини бир неча баробар оширди. Шунингдек, картографик-геодезик маҳсулотлар ва маълумотларнинг аҳоли томонидан қулай тарзда фойдаланилишига имкон яратади.

? - Геодезия соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари қандай ташкил этилган?

- Соҳани ривожлантиришнинг устувор талабларидан бири бу кадрлар масаласи. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, геодезия ва картография йўналишида ҳам кун сайин янги ўзгаришлар, замонавий техника ва технологиялар ривожланиб бормоқда. Янгича фикрлайдиган, инновацион техника ва технологияларни тезда ўзлаштирадиган, замонавий кадрларни тайёрлаш Самарқанд аэрогеодезия корхонасининг асосий йўналишларидан биридир. Бунинг учун Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан бир неча йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Республикамизда геодезия ва картография йўналишида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва замонавий техника ва технологиялар билан таништириб бориш мақсадида корхонада ўқув марказини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди.

Холик ШАКАРОВ

Бешафкат ўлим Самарқанд давлат университети умумий физика кафедраси доценти Холик Шакарровни орамиздан олиб кетди.



Х.Шакарров 1947 йилда Қўшработ тумани Оқмачит қишлоғида туғилган эди. 1966 йилда ўрта мактабни олтин медал билан битириб, шу йили Самарқанд давлат университети физика факультетига ўқишга кирди. 1971 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, иш фаолиятини Самарқанд давлат педагогика институти физика кафедраси ўқитувчиси бўлади. 1976 йилдан Самарқанд давлат университети стажёр-тадқиқотчиси, аспиранти, 1981 йилдан магнит ҳодисалари физика кафедраси кичик илмий ходими бўлиб ишлади. Бир муддат Самарқанд давлат педагогика институти физика ўқитиш услубияти кафедраси катта ўқитувчиси, умумий физика кафедраси катта ўқитувчиси, физика кафедраси доценти сифатида фаолият кўрсатди. 1992 йилдан ҳозирги вақтгача Самарқанд давлат университети умумий физика кафедраси доценти лавозимларида меҳнат қилиб келаётганди.

лардан 20 та ўқув-услубий қўлланма, 2 та дарслик, 1 та монография ҳозирги кунда талабалар учун асосий адабиёт сифатида қўлланиб келинмоқда.

Физика факультетининг ёш ўқитувчилари, илмий ходимлари домладан физика фани бўйича мароқли, ҳаётий мисоллар билан бой бўлган ажайиб маърузалар эшитган, сабоқ олган. Шу боис у кишини ҳақиқий устози деб билишади.

Х.Шакарров оилада 5 фарзандни тарбиялаб, эл-юртга хизмат қиладиган муносиб фарзандлар этиб тарбиялади.

Барчамиз учун сеvimли бўлган меҳрибон устоз, жонқуяр мураббий Холик Шакарровнинг порлоқ хотираси ҳаммаслари, дўстлари ва шогирдлари қалбида мангу яшайди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИ ЖАМОАСИ.

Зариф САМАРОВ

Самарқанд давлат университети кимё факультети жамоаси оғир жудоликка учради. Факультет органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси мудири, доцент Зариф Самаров 2020 йил 27 сентябрь кунини 40 ёшида вафот этди.



З.Самаров 1980 йилда Сирдарё вилояти Оқолтин туманида туғилган эди. 1998-2002 йилларда Ўзбекистон миллий университети кимё факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Сўнгра университет магистратурасида тахсил олди.

Ёш ва талабчан олим талабаларга органик кимё, биоорганик кимё, органик кимёнинг тантириди. Сўнгра университет магистратурасида тахсил олди. 2005-2008 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти аспирантурасида ўқиди ва шу даргоҳда кичик илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди. Бир муддат Ангрэн давлат педагогика институти кимё ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси бўлди. Бу орада номзодлик диссертациясини химия қилиб, 2011-2012 йилларда Самарқанд тиббиёт институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиларига кимё фанидан дарс берди.

З.Самаров 2012 йилдан Самарқанд давлат университетида иш бошлади. Кимё факультети органик ва биоорганик кимё кафедраси ассистенти, органик синтез ва биоорганик кимё кафедраси доценти, кафедра мудири бўлиб ишлади.

З.Самаров билим ва тажрибаси, ёшларга доимо беминнат, тўғри маслаҳат бериши билан факультет ва университет жамоасининг ҳурматига сазовор бўлган эди.

Камтарин ва тўғрисиқ, фидойи ва меҳнатсевар ёш олим Зариф Самаровнинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу қолади.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ.

Сийсий шарҳ

якши биларди. Менинг тажрибамда қўрилган сайловларнинг нисбатан ҳаққоний бўлиб ўтганлиги мустақиллигимиз арафаларида ва ундан бир-икки йил кейинги сайловларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ундан кейингиларида эса гарчанд янги-янги либосли либосли бўлса-да, сайловлар кўп ҳолда сийловларга айланиб кетди.

Энг қизиғи шундаки, бу сийловлардан ийиб кетган маъмуллар ортиқча ҳаракат қилиб ҳам юбориларди. Масалан, сайловларда кузатганим, халқ ҳақиқатан ҳам ўз номзодига овоз берди ҳам дейлик. Аммо юқоридан келган вакил овозлар сонини кўпайтиришга тиришди. Оқибатда кўрсаткич 98 фоиздан ошиб кетади. Охир-оқибат округ сайлов комиссиясидагилар овознинг ортиқча 20 фоизини "кесиб ташлайди".

Менинг фикримча хабаровсклик сайловчилар ана шу оддий бир талабни ҳам бажаришмаган чоғи, энди унинг жабрини биринчи раҳбар сифатида губернатор Фургал тартаётир.

Беларусь Республикасида бўлиб ўтган кейинги президентлик сайлови ҳам худди ўша шўро давридаги сайловларни эслатмоқда. Номзодликка керакли одамни қўйиш, унга етарли овозни таъминлаб бериш, хуллас ҳамма ишни олдиндан белгилаб берилган сценарий асосида ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, сайлов эмас — спектакль.

Гарчи сайлов ҳар бир давлатнинг ички иши бўлсада, бошқалар унинг ютуқ ва хатоларидан сабоқ чиқариши зарур. Қараб турайликчи, натижаси нима бўларкин...

Худойберди КОМИЛОВ.

Беларусь Республикаси ва Россиянинг Хабаровск ўлкасида содир бўлган воқеалар кишида чуқур ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Чунки собиқ шўро салтанатининг яқин келажакдаги қиёфаси айнан ана шу минтақаларда шаклланимоқда.



Хабаровскда амалдаги ўлка губернатори қачонлардир содир этган жинояти учун ҳибсга олинди. Губернатор Москвага олиб кетилиб, ўша ерда суд қилинмоқчи. Бундан бир қисм ўлка аҳолиси норози бўлиб, кўчаларга чиқди. Уларнинг талаби битта, у ҳам бўлса губернаторни ўз жойига ва ўз вазифасига қайтариш. Чунки уни халқ сайлаган ва фақат халқнинг ўзи ишдан озод қилиши мумкин, дейишмоқда улар. Губернатор Фургалнинг жиноятлари келсақ, одамларнинг унинг ўн беш йилдан буюн бекииб келинаётган қилмишлари нега энди бугун очилгани шубҳалантираётир.

ҳам Путин сингари йигирма олти йилдан буюн давом этиб келаётган пошшоллигини яна чўзмоқчи бўлганда, ундан ҳафсаласи совиган халқ норозилик билдириб кўчаларга чиқди.

Лукашенко бугун умид кўзларини яна Москвага тикмоқда. Шубҳасиз, Путин унга ёрдам қўларини чўзади. Аммо усул ўша-ўша. Ҳозирча масаланинг шу томони қоронғи бўлиб турибди.

Гап сайловлар ҳақида кетаркан, унинг нима эканлигини жуда яхши билман. Нега десангиз, ўн тўрт ёшимдан бошлаб, сайлов кампанияларида иштирок эта бошладим. Мен синфбоши бўлганим боис, кўп ташкилий ишларда сўнг раҳбаримизга кўмаклашиб юрар эдим. Бир кун устоз қўлимга қалин дафтар бериб, сайловчилар рўйхатини олиб чиқишда ёрдам беришимни сўради. Микрохудо-

даги оилаларга кириб, буюрган ишларини айтганидек қилиб бажариб бердим. Шундан сўнг деярли барча сайловларда котиб, комиссия аъзоси, комиссия раиси ёрдамчиси, ишчи гуруҳ котиби, ишчи гуруҳ раиси сингари бепул амалларни ҳам бажариб келдим.

Энг охирги қилган ишим: бултур маҳалламизда ўтказилган оқсоқол сайловида бош-қош бўлдим ва уни иложи борича демократик руҳда ўтказишга ҳаракат қилдим.

Шўро замонидаги сайловлар ўзининг ажабтовурлиги билан яққол ажралиб турарди. Хавфлилиги шундаки, бу аниана ва нуқтаи назарларнинг айримлари ҳали-ҳамон шууримиздан кетган эмас.

Унда номзод, одатда, битта бўлар ва сайловчилар бюллетени тўғри қутига олиб бориб ташлашарди. Кимда ким "чимилдик"қа кирса, шубҳа остига олинар, уларга нисбатан амалдорлар эҳтиёткорона муносабатда бўлишарди. Мабодо, бирор киши номзод номи устидан чизик тортадиган бўлса (эски тартиб бўйича номзоднинг фамилияси устидан чизиларди), у одамга тузумнинг душмани сифатида қаралар эди. Кейинги сайловлар бирмунча замонавий қилиб ўтказилмайдиган бўлди. Аммо усул ўша-ўша.

Яъни юқоридан кўрсатиладиган номзодлардан кераклисига овоз тўплаб бериш лозим эди. Мабодо, етарли овоз йиғилса, кўпроқ овоз олганларнинг фойзи ҳам ўша одамга қўшиб юборилаверарди. Ушбу амалиётлар сўнгги инстанцияларда амалга оширилгани боис бирор кишининг бунга аралашшига на журъати ва на жасоратига эҳтиёж йўқ эди. Яна масаланинг шу томони ҳам бор эдики, депутатнинг ким бўлишидан қатъи назар ҳаётда ҳеч нарса ўзгармас ва буни ҳамма

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 12 августдаги 4-1406-1901/1671-сонли ажримига асосан «OQDARYO TEKS» масъулият чекланган жамияти банкрот деб топилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб А.Ширинбоев номзоди тасдиқланган. «OQDARYO TEKS» масъулият чекланган жамиятининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

САМАРҚАНД ШАХРИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ КЎЧАСИ, 12-ЎЙ.
Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Садовникова Валентина Петровнага (2020 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мувожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-ўй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали қошидаги академик лицейдан 2019 йилда Туйчиев Қосим Бунёд ўғли номига берилган рўйхат рақами 20, Л № 0004642 рақамли диплом ва шаҳар филиалидан 2018 йил 30 июлда Мирзаев Уткур Косималиевичга қарашли Самарқанд шаҳри Рудакий кўчасидаги «Қурилиш материаллари» савдо мажмуаси худудида жойлашган савдо дўкони биноси учун берилган 405-26-13 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежидан 2019 йилда Нарзиёв Эгамберди Насим ўғли номига берилган рўйхат рақами 833, К № 5570636 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Қўшработ туманидаги 82-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Чутбоева Мухлиса Нуриддин қизи номига берилган УМ № 0146598

рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд туманидаги 1-мактабдан 1974 йилда Пардаев Илҳам Дустаматович номига берилган А № 800210 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Пайариқ туманидаги «SHODIYONA BAZIMGONHI» оилавий корхонасининг (СТИР: 303039217) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Яйловшунос олим

Химоил Халилов фаолиятдан лавҳалар

Республикамиз яйловшунослигига муносиб ҳисса қўшаётган таниқли олим, биология фанлари номзоди Химоил Халилов 70 ёшга тўлди. Фидоий олимнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, у мудом ўқиш, ўрганиш, ўз устида тинимсиз ишлашни тўхтатмай яйловшуносликни янги илмий назария ва амалиёт билан бойитиб келаётганига гувоҳ бўламиз.

Х.Халилов 1950 йилда Нурота туманида туғилди. Мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, 1972 йилда инженер-химик-технолог ихтисослиги бўйича диплом олди. Ҳарбий хизматдан кейин 1975-1983 йилларда Жиззах вилоятида "Голодно-Степстрой" туманлараро "Узсельхозтехника" бирлашмасида агроном, кейинчалик директор бўлиб ишлади. 1987 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг сиртки агрономия факультетини битириб, иккинчи мутахассислик – агроном дипломига эга бўлди.

Бўлажак олим 1983 йилда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтига аспирантурага қабул қилинди. Унинг қурғоқчил минтақаларнинг ўта ноқулай тупроқ-иқлим шароитларига чидамли, юқори ҳосилли, тўйимли озукавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турларини маданийлаштириш ва уларни

экин шароитида парваришлагга оид илмий изланишлари юқори баҳоланди. 1993 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Х.Халиловнинг илмий изланишлари кенг қамровли ва кўп йўналишли. Унинг бевосита иштирокида ўсимликлар интродукцияси, селекцияси, уруғчилиги фитомелиорацияси соҳаларида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, Нурота тумани ҳудудида 1981 йилда ташкил этилган "Нурота" тажриба даласида Марказий Осиёнинг турли тупроқ-иқлим шароитли географик ҳудудларидан йиғилган, шунингдек, республикамиз ва хориж давлатлари илмий-тадқиқот муассасаларидан ўзаро уруғ алмашиш воситасида келтирилган яйлов озукабой ўсимликларининг 50 турга мансуб 1200 намунасида иборат ноёб генофонди барпо этилишидаги хизматлари



алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу "тирик" коллекция чўл ва адир яйловлари учун энг муҳим озукабой яйлов ўсимликлари турларини сақлаш, кўпайтириш, селекция жараёнида қўллаш ва уруғчилик ишларини ташкил этишда Марказий Осиёда ягона манба ҳисобланади. Мазкур генофонддан фойдаланиш асосида яйлов озукабой ўсимликларининг 4 та нави яратилган, 4 та номзодлик диссертацияси тайёрланмоқда.

Олим қишлоқ хўжалик фанлари соҳасида янги йўналиш – ўта қурғоқчил ҳудудларда озук ва етиштириш фанининг ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. У давлат буюртмаси

Фан намояндалари

ва грантлар асосида мазкур йўналишда амалга оширилаётган илмий лойиҳаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Шунингдек, ИКАРДА, ФАО, Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик фанлари академияси каби халқаро илмий марказлар билан чўланиш муаммоларини ўрганиш ва унинг олдини олиш соҳасида ижодий ҳамкорлик қилиб келяпти.

Яйловшунос олим ўзининг илмий фаолияти давомида 130 дан ортқ илмий мақолалар, 8 та тавсия, 4 та амалий қўлланма чоп эттирган ва битта ихтиро, 4 та яйлов озукабой ўсимликлари навларининг муаллифидир.

Самимийлик, ростгўйлик, эзгулик, бағрикенглик каби фазилатлар Химоил Раҳматуллаевич ҳаётининг мазмунига айланган. Олим беш нафар олий маълумотли фарзандларнинг отаси, улар турли соҳаларда меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти жамоаси Химоил Халиловни қўллаган ёши билан табриклайди, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва илмий изланишларида зафарлар тилайди.

Насилло БОБОҚУЛОВ,
Қоракўлчилик ва чўл экологияси
илмий-тадқиқот институти
директори, профессор.

Самарқанд шаҳридаги Ориф Гулханий уй-музеи ташаббуси билан бир неча йиллардан буён "Самарқандни гулга буркайлик! 1+10" номли гулсеварлар акцияси ўтказилди. Навбатдаги акция Жомбой туманида ташкил этилди.

Самарқандни гулга буркаётган инсон

Тумандаги 40-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ҳовлиси Ориф Гулханий уй-музеида ўстирилган гулларга бурканди. Акция доирасида 4 минг дона хонаки тувак гуллари, декоратив ва анвойи гулларнинг 82 минг дона уруғи гулга меҳри баланд тадбир иштирокчиларига, таълим муассасаларига тарқатилди.

– Карантинда кўп вақтим гуллар парваришига сарфланди, – дейди уй-музей раҳбари Муқимжон Орифий.

– Натижада ўтган йиллари ўтказиладиган "Самарқандни гулга буркайлик! 1+10" акцияси ҳамда "Ҳар бир ўқувчининг гули бўлсин" ҳаракати доирасида йилига минглаб гулни шахримизнинг ташкилот, таълим муассасаларига тортиқ қилган бўлсам, бугунги тадбирда икки баравар кўп ноёб гуллар улашилди. Шу билан бирга ўқувчиларга хонадонимиз тарихи, бугунги куни, боболаримиз қолдирган бой маънавий мероси акс этган туркум китобларимизни ҳам тортиқ қилдик.

Гўзаллик кишиларни эзгуликка чорлайди. Муқимжон аканинг асл нияти ҳам юртимизни гулларга буркаб, инсонларга эзгулик улашишдир.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Самарқанд давлат университети нуфузини шу даргоҳда талабаларга сабоқ берган устозларнинг заҳматли меҳнати мисолида кўраман. Биз ҳам кечагина талаба эдик, университетнинг ўзбек филологияси факультетини таълим олдик. Умр ўткинчи экан, кўпга фидоий устозлар бу дунёни тарк этди, бироқ улар ўзларидан эзгу амаллар, яхши хотиралар қолдирди.

Улуғ даргоҳда улуғлар изи бор

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўзбек филологияси факультети ўқув хоналарида устозимиз профессор Ҳамдам Бердиевнинг завқ билан дарс ўтаётгани кўз олдимга келади. Ўқув залида лаборант Фоя опа берган бир пиёла чойини қўлида айлантириб, адабиёт назарияси фанидан машғулот ўтайдиган доцент Ж.Ҳожиматовнинг қиёфасини кўргандай бўламиз. Мақолаларида ҳар бири ижодкорни Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, аяйдиган, меҳр билан сўяйдиган, китоб ёзиш санъатини пухта эгаллаган профессор С.Мирзаевни эслаймиз. Устоз камгап, донишманд эди, иложи борича одамларга яхшилик қилиш, ёрдам беришга интиларди.

Ўзи бир олам, шеър ўқиши-ю таҳлили бир дунё устоз профессор Н.Шукурова эътиқодимиз ўзгача эди. Унинг қанча шеърни ёддан билиши, таҳлилда ҳеч бир олимда учрамайдиган фикрлари, матннинг мағзига ёнғоқни чаққандай талабаларга еткази олиш маҳорати бор эди.

Ҳар бир сўзни ўта мулоҳаза қилиб, дона-дона гапирадиган, ассосиз гапдан қочадиган, адабиёт тарихини чуқур биладиган доцент Қ.Тоҳировнинг бетакрор услуби талабаларни ўзига ром қиларди.

Камдан-кам талабалар бизга академик домла дарс берган деб мактана олади. Биз ана шундай мактана оладиган талаба-

лар тоифасига кирамиз, чунки бизга академик В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаевлар дарс берган. Академик В.Абдуллаевнинг ўзига хос кўтаринки руҳда шеър ўқиш услуби, ҳазил-мутойибани ўрнида ишлатиши, академик Б.Валихўжаевнинг маъруза ўқиш маҳорати бошқача эди. Валихўжаев домланинг уйига ҳам бир неча марта илмий-тадқиқот ишлари юзасидан борганимизда камтарона ҳаёт кечиришига гувоҳ бўлганмиз. Бундай турмуш тарзи биз талабалар тасаввурларидаги академик олим шохона яшайди, деган фикрни парчалаб ташлаган эди.

Профессорлар Р.Қўнғуров, Ш.Холматов, Н.Ражабов, И.Мирзаев, Р.Орзибеков, Б.Йўлдошев сингари устозларимиз ҳақида ҳам ширин хотираларимиз бор.

Фаолияти шонли ва шарафли воқеаларга бой, олти юз йиллик тарихга эга қадрдон университети-мизнинг бундан кейинги фаолиятида ҳам ютуқлари кўп бўлади. Зеро, улуғ даргоҳда улуғлар изи бор.

Абдумурод НОМОЗОВ,
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.



Охирзамон учун захира

Яқинда MICROSOFT га қарашли GITHUB компанияси Арктика ерости сақлаш объектида турли лойиҳаларнинг дастурли кодларини яширганини эълон қилди, деб ёзади "АиФ" (2020 й, 34-сон) ҳафтанома.

Бу охирзамон бўлиб қолса, асқотиши мумкин эмиш. Маълумотлар, ҳатто кўп маротаба ядро ёки электромагнит қуролни қўллаш билан жаҳон уруши рўй берганида ҳам сақланиши керак.

Инсоният ҳар дақиқада содир бўлиши мумкин охирзамон таҳлиқаси арафасида яна нималарни яширмоқда?

▶ ВАТИКАН ЎЗ АРХИВИНИ ҚАЕРГА ОЛИБ КЕТДИ?

Дастурли кодларни Арктикада яшириш режаси ҳақида 2019 йил ноябрда маълум бўлган. Шундан буён компания муҳандислари томонидан 21 терабайт ҳажмда ахборот архиви яратилди: бу Windows, Linux, Android тизимлари операция кодларига очик кириш ва 6 минг иловадир. Архив плёнка галтакка ёзиб олинди. У узоқ вақт сақланишига мўлжалланган бўлиб, 1066 метр плёнка талаб қилинди ва халқаро шартномага

мувофиқ урушдан холи деб белгиланган Шпицберген архипелагига етказилди.

Ерости сақлаш объекти 150 метр чуқурликда абадий музлик зонасида қайта жиҳозланган ташландиқ кўмир қонида жойлашган. Мутахассислар плёнка галтак у ерда камида 1000 йил сақланиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқдилар. Маълумотлар мустаҳкам темир оксиди билан қопланган плёнкага ёзиб олинган, бу унинг хизмат

муддатини узайтиради. Ундаги маълумотларни лупа билан ўқиш мумкин. Маълумотлар автоном режимда сақланган, интернет учун ёпиқ. Шунинг учун хакерлар уни бузиб, ўчириб ташлай олмайди. Иншоот табиий офатлардан ҳимояланган бўлиб, "геосиёсий нуқтаи назардан дунёнинг энг хавфсиз жойида жойлашган". У ерда ҳозир аллақачон Ватиканнинг махфий ҳужжатлари сақланмоқда.

▶ ЎСИМЛИКЛАР УЧУН НУҲ КЕМАСИ

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари намунаси банкни яратиш гоёси 2000-йиллар бошида пайдо бўлган. БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши етакчи мамлакатлари, ҳар қандай табиий ўзгаришлар, ядровий охиризм келганда ҳам экиш учун ишончли захира яратилса ёмон бўлмасди, деган қарорга келдилар. Қирғиздан омон қолган одамлар шу йўл билан очликдан қутқарилиши мумкин.

Уруғлар сақлангани банк-омборхона учун ҳам ўша жой – Шпицберген танланди. Сабаби – абадий музлик ва тектоник фаоллик (зилзила хавфи) ўта заиф. Лойиҳа архипелаг

тегишли бўлган Норвегия маблағи билан амалга оширилди. Объект портлашга чидамли эшиклар билан жиҳозланган, тоғ бағрида қазилган туннеллардан иборат. Чуқурлиги 120 метр, баландлиги денгиз сатҳидан 130 метр. Бу ерости банкда қишлоқ хўжалиги экинларининг 4,5 миллион нави сақланиши мумкин. Ҳозирда жиҳозланган учта залдан биттасида 980 минг нав-уруғи сақланмоқда.

Уруғ муҳрланган конвертларда пластик пакетга жойлашиб, темир жавонлардаги контейнерларда сақланмоқда. Ҳарорат –18°С, намлик ва кислород бу уруғнинг унвчанлигини бир меъёра сақлайди.

▶ "МУЗЛАТИЛГАН ҲАЙВОНОТ БОҒИ"

Биологлар ҳайвонларнинг оммавий қирилишини (ҳисоб бўйича олтинчи) башорат қилишмоқда, айримларнинг эса бу жараён бошланганига имони қомил. Аммо бу табиий сабабларга кўра эмас, инсон фаолияти оқибатида рўй бермоқда. Кейинги 500 йил давомида бу омил тўғрисида ҳайвонларнинг 844 тури қирилиб кетди. 2100 йилга бориб ҳозирда мавжуд турларнинг ярми қирилиб битди, деган таҳмин бор. Бу жараёни секинлаштириш

турларни сақлаб қолиши мумкинми? Американинг Сан-Диегодаги машҳур ҳайвонот боғида ана шу саволга жавоб қидириляпти. Бу ерда энг катта ҳажмда "музлатилган ҳайвонот боғи" коллекцияси бор. Унда 10 минг маданий тирик ҳужайраларнинг бебаҳо генетик материаллари сақланмоқда. Улар салкам мингта тур намуналаридир. Булар туҳумлар, уруғлар, эмбрионлар ҳужайралари бўлиб, махсус идишларда суюқ

азотда музлатилган. "Ҳайвонот боғи" ходимлари аллақачон қатор тажрибалар ўтказдилар. Музлатилган ҳужайраларнинг айрим турлари суний уруғлантиришдан кейин авлод берди. Жанубий оқ каркидоннинг 20 йил музлаткича сақланган туҳум ҳужайрасини уруғлантиришга муваффақ бўлинди. Худди шу тарзда қоплоннинг эмбриони ҳам олинди.

▶ ТИЛЛАР УЧУН АРХИВ

Сайёрамизда нафақат ҳайвонлар ва ўсимликлар, балки ўзининг тили, маданияти билан кишилик элатлари ҳам йўқолиб бормоқда. Экспертларнинг таҳминларича, глобаллашув ва устун тилларнинг мустаҳкамланиши таъсирида юз йил давомида 90 фоиз кичик гуруҳ тиллар йўқолади. Улардан кўпчилиги ҳатто ҳужжатлаштирилмаган. Инсониятнинг хилма-хил тиллигини сақлаб қолиш мақсадида тилшунослар "Розетта" лойиҳасини ташкил қилди. Унинг мақсади одамлар фойдаланганидан барча тиллар ҳақида маълумот сақловчи

рақамли оммавий кутубхона яратишдан иборат. Тўпланган материаллар йўлиб ёзиш орқали никел дискларга муҳрланади. Ҳар бири атиги 400 микрограммлик эга. Уларни ўқиш учун 650 марта катталаштириб кўрсатадиган микроскоп зарур бўлади.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ тайёрлади.

Масаллар

ТЕША БИЛАН КЕТМОН
– Менинг наслим улуғ. Ота-боболарим замонидан авлодим ҳазрати Кетмонга бориб тақалади, мактанди Теша.
– Укажон, кўпам мактанверманг, аслида насл-насаб эмас, қилган меҳнатинг сени улуғлайди. Бизлардан мактанчоқ чиқмаган, – деди гапларини тинглаган Кетмон Тешага.

МИННАТ ВА ҲАЛИМЛИК
– Бу дунёда ҳеч бир тўғри одамни топа олмадим-да. Кимга дуч келсам ё ёлғончи, ё фарибгар, – деди Миннат.
– Ўзларидан сўрасак, биродар, – дебди кулимсираб Ҳалимлик.

ТЕША ВА ЎРОҚ
– Биз кун бўйи юзимизни ерга уриб ишлаймиз, мана-виларни қаранг, қуруқ томошабин бўлиб туришибди, асли таги паст-да, – дебди Теша Ўроқни ерга уриб.
– Ҳой, ука, оғзингга қараб гапир. Биз ҳам томошабин эмас, бир пал бедани ўриб келдик. Уруғни суриштирсанг Белўроққа бориб тақаламиз, – дебди Ўроқ унга жавобан.

Нуриддин ЯҲЁ,
Иштихон тумани.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

4 октябрь
Облоқул УЗОҚОВ – (1922-1955) Ургут туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қаҳрамон.
Нафас ЭШҚОБИЛОВ – 1953 йилда Паст Дарғом туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори, профессор.

5 октябрь
Аслиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ – 1972 йилда Ургут туманида туғилган. Халқаро тоифадаги спорт устаси. "Ўзбекистон ифтихори" нишони соҳиби.